



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Покистон Ислам Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини изчил кенгайтиришга хизмат қилаётган фаол мулоқотлар ва алмашинулар, пандемияга қарамасдан, давом эттириляётганини таъкидлади. Товар айирбошлаш ҳажми ортиб, етакчи

компанияларнинг қўшма кооперация лойиҳалари сони кўпайиб бормоқда. Абдул Раззоқ Довуд Ўзбекистон Президентига учрашув ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдирди ҳамда Покистон Бош вазир Иброн Хоннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Маслаҳатчи Афғонистон ҳудуди орқали Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл билан боғлайдиган, Покистоннинг денгиз портларига

чиқишни ва уларнинг инфратузилмаси самарали ишга солинишини таъминлайдиган темир йўл қуриш лойиҳасини илгари суриш тўғрисидаги ташаббус Покистонда юксак баҳолашиб, қўллаб-қувватланаётганини қайд этди.

Икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг бошқа долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Автомобиль ва ҳаво транспортида юк ташишларни ривожлантириш

имкониятларини кўриб чиқиш, преференциал савдо тўғрисидаги битимни тайёрлаш, божхона иши соҳасида тажриба алмашиш, ишбилармонлар ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш ва ишбилармонлик тadbирларини ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий ва юқори даражадаги бўлажак учрашув ва мулоқотлар режаси келишиб олинди.

ЎЗА

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашди.

Очиқ мулоқот чоғида партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари, бугунги кунда улар олдида турган асосий вазифалар ҳақида атрафлича фикр алмашилди.

Давлат ва жамият ҳаётига доир кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг ўрни катталиги таъкидланди.

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларни камраб олган кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борадаги ишларнинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий кенгашларга улкан масъулият юклайди.

Учрашувда ижтимоий соҳалар, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Сиёсий партиялар ўз депутатлари орқали жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиши, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериши, айниқса, таъсирчан Парламент ва

жамоатчилик назоратини олиб бориши муҳимлиги қайд этилди.

Партиялар ўз электорати, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга кўмаклашиши зарурлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини Парламентга фаол олиб чиқиши, ўз фракциялари орқали қонунчилик ташаббусларини илгари суриши ва қонунлар ижросини таъминлашни назоратига олиши зарурлиги ҳақида фикр алмашилди.

Мулоқот жараёнида сиёсий партиялар фаолияти бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди.

Учрашувда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Халқ демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда Экологик партия, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси раҳбарлари иштирок этди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАФКУРАСИ: ЭЗГУЛИК, ОДАМИЙЛИК, ГУМАНИЗМ

МИЛЛИЙ ҒОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — БАРЧАМИЗНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ



Элдор ТУЛЯКОВ,
"Тараққиёт стратегияси"
маркази ижрочи
директори

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида бугун мамлакатимизда кенг қўламли ва салмоқли ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар юртимизнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини қисқа муддатда юқори поғоналарга олиб чиқди.

Давоми 2-бетда

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Афғонистон Ислам Республикасининг делегацияси — мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ҳаниф Атмар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргарни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, икки томонлама муносабатларнинг бугунги суръатини сақлаб қолиш ва олий даражада аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Афғонистон делегацияси аъзолари Ўзбекистон Президентига кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Тошкент шаҳрида етакчи халқро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокда ўтган Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳ биринчи йиғилишининг самарали якунлари юксак баҳоланди.

Томонлар ушбу лойиҳани тез фурсатда тайёрлаш ва амалга оширишни бошлаш,

қабул қилинган "йўл харитаси" асосида хорижий ҳамкорлар ва салоҳиятли инвесторларни фаол жалб қилиш муҳим эканини таъкидлади.

Бундан ташқари, учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Афғонистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва уни яқин йилларда камида 2 миллиард долларга етказиш учун қўлай шароитлар яратиш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳаларида кооперацияни кучайтириш, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида муҳим дастурларни амалга оширишни қайд этиш лозим.

Учрашувда олий ва юқори даражадаги бўлажак тadbирлар ва мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийларига!

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Покистон ва Ўзбекистонни маданият, дин ва аъналар муштараклиги асосланган яқин муносабатлар боғлаб турибди. Бизнинг тарихий ва тамаддуний алоқаларимиз миллий ўзгичилигимизнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига чуқур эътиром билан қарайди. Мамлакатларимиз тараққиёти ва равнақи учун биз икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтиришимиз ва иқтисодий шерикликни мустаҳкамлашимиз лозимлигига қатъий ишонаман. Минтақамиз улкан инсоний ва табиий ресурсларга эга. Барча соҳаларда минтақавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш мақсадида иқтисодийларимизнинг бир-бирини ўзаро тўлдириб туришдан самарали фойдаланишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегациясининг 2020 йил сентябрь ойида Покистонга ташрифи чоғида Савдо-иқтисодий

масалалар бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш ва яқин орада унинг биринчи йиғилишини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида келишувга эришилган эди.

Менинг савдо ва инвестициялар бўйича маслаҳатчининг Ўзбекистонга ташрифи давомида икки томонлама савдо масалалари билан бир қаторда темир йўл коридорларини ривожлантириш, банк соҳасида, иқтисодий ва инвестициявий йўналишлардаги ҳамкорликнинг истиқболлари кўриб чиқилиши мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ушбу ташриф умумий мақсадлар сари янада олға қадам ташлашимиз учун янги имкониятларни очади.

Мен икки томонлама муносабатларнинг бутун салоҳиятини ишга солишининг қатъий тарафдориман.

Сизга Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ ато қилишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийларига, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.

Иброн ХОН,
Покистон Ислам Республикаси
Бош вазир

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА КУЧЛИ МАЪНАВИЯТ”

Маълумки, жорий йилнинг 19 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтган эди.

Ушбу анжуманда мазкур йўналишдаги фаолият тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари атрафлича муҳокама қилинган эди.

Видеоселектор йиғилиши шаклида ўтказилган ана шу анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган: "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодийга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз", деган принципал ёндашув соҳа ривожини янги босқичга кўтаришнинг ҳаётий дастуруламали бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган маърузаларида бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

2 февраль куни Республика Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда ана шу концептуал ғоя ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни янги мазмун ва шаклда ташкил қилиш ҳамда тизимда ҳал этилиши зарур бўлган масалалар ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Маънавият ва маърифат марказининг ҳудудий бўлимлари мутасаддилари, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзолари, танкили олимлар, шoir ва ёзувчилар, журналистлар конференцалоқа тизимида иштирок этди.

Давоми 2-бетда

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг янги даврида барча тармоқ ва йўналишлардаги каби статистика соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

НАРХЛАР КУЗАТУВИ НИМАДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?



Дилшод ХОЛМУРОДОВ,
Давлат статистика кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Президентимизнинг 2019 йил 9 апрелдаги “Давлат бошқаруви оидига очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика соҳасини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш натижасида кенг қўламли ишлар бажариб келинапти.

Соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналишидан бири сифатида ички истеъмол бозоридagi нархлар статистикасини такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибаларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, 2020 йилда истеъмол бозоридa нарх кузатувларини ўтказиш жараёнига САРІ технологияси, яъни, махсус қўрилмалар — планшетлар тўлиқ таъбиқ этилди. Натижада инфляцияни ҳисоблаш жараёни автоматлаштирилди, статистик маълумотларнинг ҳолислиги ва юқори сифатини таъминлашга эришилди.

2021 йил 1 январдан бошлаб, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда истеъмол нархлари индекси кузатувлари Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан тасвир этилган “Мақсадлар бўйича шахсий истеъмол таснифлагичи — 2018” талаблари жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, нархлар кузатиладиган товарлар ва хизматлар таснифлагичини халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштириш имконини берди.

Шунингдек, ХВЖ техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда қўлланилаётган истеъмол нархлари кузатувларини ўтказиш амалиёти ва инфляцияни ҳисоблаш методологияси батафсил кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, миссия якуни бўйича халқаро молиявий муассаса экспертлари томонидан мамлакатимизда истеъмол нархлари кузатувларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган амалий ва услубий ишларга юқори баҳо берилди.

Энди бевосита инфляция масаласига тўхталадиган бўлсак, маълумки, инфляция кўрсаткичи мамлакатдаги макроиқтисодий барқарорлиқни йиғдиловчи муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлиб, ички истеъмол бозоридa товар ва хизматлар нархлари умумий даражасининг ўзгаришини ўзидa акс эттиради.

Маъмур кўрсаткич Давлат статистика кўмитаси томонидан халқаро андозаларга асосан, 1994 йилдан бошлаб шакллантирилиб, эълон қилиб келинади. Бугунги кунда мамлакатимизда инфляция даражаси халқаро амалиётга мувофиқ истеъмол нархлари индекси асосида ҳисобланади ҳамда шу мақсадда ички бозордаги 510 турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари нархлари кузатиб борилади.



Маълумот учун: *Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)* — уй хўжалиқлари талабидан келиб чиқиб, маълум бир товар ва хизматлар умумий нархларининг ўртача ўзгариш даражасини ифода этади. Ушбу умумий кўрсаткич истеъмол саватидаги ҳар бир товар ва хизмат учун нархларини ўзгаришини инобатга олган ҳолда ҳисобланади.

Истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларида танланмадаги ҳар бир товар ва хизматлар бўйича алоҳида ҳисобланган салмоқ вазнлардан фойдаланилади. Салмоқ вазнлар уй хўжалиқларининг йиллик истеъмол харажатларида ҳар бир товар ва хизматларнинг жами харажатларга нисбатан улушини ҳисоблаш орқали шакллантирилади.

Шундан 170 тасини озиқ-овқат маҳсулотлари, 250 тасини ноозиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда 90 тасини хизматлар ташкил қилади. Бунда, нарх кузатувлари 10 мингдан ортиқ савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўтказилади.

Инфляция даражасини янада аниқроқ ҳисоблаш мақсадида нархлар кузатувлари билан қамраб олинган товар ва хизматлар рўйхати доимий равишда такомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, бундай товарлар ва хизматлар сони 1994 йилда 285 тани ва 2019 йилда 386 тани ташкил этган.

Истеъмол нархлари кузатувлари натижаларига кўра, Ўзбекистонда инфляция даражаси ўтган йил якуни бўйича 11,1 фоизни ташкил қилди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари 15,3, ноозиқ-овқат маҳсулотлар 8,8 ва хизматлар тарифлари 7,1 фоизга қимматлашди.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда ички бозорда товар ва хизматлар нархларининг ўсиши кузатилган бўлса-да, иқтисодиётда нархлар ўсиши 2019 йилдагига нисбатан секинлашди, яъни инфляция даражаси 15,2 дан 11,1 фоизгача ёки 4,1 фоиз бандга пасайди.



Гуруҳлар кесимида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши 2019 йилдаги 18,6 дан 15,3 фоизгача, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ўсиши 10,9 дан 8,8 фоизгача ҳамда хизматлар тарифлари ўсиши 15,2 дан 7,1 фоизгача секинлашди.

Солиштирма таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда инфляциянинг 11,1 даражада шаклланишига, худди 2019 йилдагидек, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиши таъсир қилган бўлиб, маъмур товар гуруҳи ҳиссасига умумий нарх ошишининг 58,2 фоизи (2019 йилда 53,4 фоиз) тўри келди. Ўз навбатида, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ошишининг улуши 27,3 фоизи (2019 йилда 24,9 фоиз) ҳамда хизматлар тарифлари ошишининг улуши 14,5 фоизи (2019 йилда 21,7 фоиз) ташкил этди.

Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳлари бўйича нархлар ўзгаришини кўриб чиқадиган бўлсак, 2020 йилда нон маҳсулотлари 15,2 фоизга, гўшт, парранда гўшти ва балиқ 18,1 фоизга, сўт маҳсулотлари 11,5 фоизга, мева, сабзавот ва картошка 11,9 фоизга, шakar, чой ва бошқа маҳсулотлар 11,8 фоизга, тухум 37,6 фоизга, ёғ ва мойлар 27 фоизга қимматлашиши кузатилди.

Айрим асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ошишига қатор омиллар таъсир ўтказди. Хусусан, жаҳон бозоридa, шу жумладан, қатор асосий экспорт қилувчи мамлакатларда айрим муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг сезиларли ўсганлиги ички бозорда нархлар ошишига олиб келди. Жумладан, 2020 йил давомида жаҳон бозоридa бўғдой нархи 5 фоизга, Россия Федерациясида кунгабоқар ва лавлаги ҳосилининг сезиларли даражада қисқариши таъсирида кунгабоқар ёғи 23 фоизга, шakar нархи эса 70 фоизга қимматлашди.

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилда сабзавот ўртача нархида жиддий ўзгаришлар (йиллик ўсиши 0,06 фоиз) кузатилмади. Бу ҳолат, ўз навбатида, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархлар умумий даражаси ўсишини пасайтирувчи омил бўлиб хизмат қилди.

Маъмур ижобий ҳолатни мамлакатимизда сабзавот етиштириш ҳажмининг ўсиши ҳамда қатъий карантин чекловлари даврида умумий

овқатланиш соҳаси корхоналари фаолиятининг қисқариши ҳисобига уларга булган талабнинг қамайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи бўйича нархлар умумий даражаси ўсишини жиловлашда, хусусан, 2019 йилга нисбатан пасайишида 2020 йил давомида мамлакатимизда мураккаб пандемия шароитида иқтисодиётни барқарорлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Жумладан, 2020 йил давомида ички бозорни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, бозорларда асосий турдаги маҳсулотлар нархларининг асосий равишда ошиб кетишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида ички бозорда асосий турдаги озиқ-овқатлар нархлари янада юқорилаб кетишининг олди олинди.

Энди ноозиқ-овқат маҳсулотлар гуруҳига тўхталадиган бўлсак, асосий турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлардан нархларнинг юқори ўсиши дори-дармонлар (13,3 фоиз), тамаки маҳсулотлари (11,6 фоиз), қурилиш материаллари (11,2 фоиз), шахсий гигиена товарлари (9,2 фоиз), кийим-кечак (8,6 фоиз) ва ёнилиги маҳсулотлари (7,5 фоиз) гуруҳлари бўйича кузатилди.

Яна бир муҳим маҳсулот — цемент нархи ҳам йил давомида ўзгариб турди. Жумладан, йилнинг январь — август ойларида маъмур маҳсулот нархи доимий равишда ошиб борган бўлса, сентябрь — декабрь ойларида, аксинча, цементнинг арзонлашиши кузатилди.

Таъкидлаш жоизки, истеъмол нархлари индексидаги кирувчи асосий гуруҳлардан нархлар ўсишининг энг сезиларли секинлашиши пуллик хизматлар гуруҳи бўйича (2019 йилдаги 15,2 фоиздан 2020 йилда 7,1 фоизгача ёки 8,1 фоиз пасайиши) қайд этилган бўлиб, маъмур ҳолат асосан уй-жой коммунал хизматлари тарифларининг (кам сон-

МУНОСАБАТ



МАҚСАД БИТТА: ЁШЛАР БИЛАН МАНЗИЛИ ВА ТИЗИМЛИ ИШЛАШ



Ахтам ҲАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда — янги Ўзбекистонда ёшларга мубокабат бутунлай ўзгариб, ёш авлоднинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишлари, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асослар ҳамда манфаатлиқ бормоқда.

Ўғил-қизларимизнинг илғор билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаш учун яратилаётган шароитлар натижасида кўплаб ёшларимиз парламентда, ҳукумат аъзолари сафида, давлат бошқаруви органларининг масъул лавозимларида, замонавий корхоналарда самарали фаолият олиб бораётир. Аммо ҳозирги шароит бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, ёшлар бандлигини таъминлашга ғов бўлаётган муаммолар, нуқсон ва камчиликларни тежорлик билан ҳал қилиш заруратини юзага келтиряпти.

Президентимиз Олий Мажлиси Мурожаатномасида ҳам ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни

илгари суриб, бола туғилганидан 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши зарурлигини билдирган эди.

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Агар катта авлоднинг билим ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира оلسак, кўзлаган марраларга, албатта, етамиз. Янги Ўзбекистонни ана шундай билим-ли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этамиз”.

Бу борада бошланган ишларни давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берилди.

Юртимизда жорий йил якуни билан мактабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказиш режалаштирилаётгани, бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобларини қўшимча равишда 2 мингта нодавлат бочча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилиши янги Ўзбекистонда эртанги кун эгаларига булган муносабат тубдан ўзгараётганини, бу йўлда маблағлар иқтисод қилинмаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, бу давлатимиз зиммасига улкан масъулият юклатилиши кўз олдимизга келтирсак, жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб этади. Иккинчи томондан, ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор эртага улкан ютуқ ва натижаларини ҳам беради. Зеро, ҳозир Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг яримдан кўпроги ёшлардир. Келгусида ҳар учинчи раҳбар ҳам улардан бўлади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир маърузасида бу масалага тўхталиб, ёшларни меҳнат бозоридa талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини ва меҳнатсеварлик фазилат-

ларини шакллантириш лозимлигини бежиз таъкидламаяпти. Чунки бугун юртимиз аҳолисининг қарий 55 фоизи ёшлардан иборат. Айни дамда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани бу борада яқин ва келажакда эмас, ҳозирданок зарур чораларни кўришни тақозо этади. Шу боис, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, уларни бизнес билан шуғулланишга фаол жалб қилиш учун янги тизим жорий қилинапти.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамасига бағишлаб жорий йил 27 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз раҳбари бу масалага яна бир бор тўхталиб, Мурожаатномада айтилган тақдирларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берди.

Ийгилишда жорий йилда 500 минг нафар йигит-қизни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш зарурлиги, туман ва шаҳарларда аънавий ёки масофавий ўқув курсларини қўшимча равишда 2 мингта нодавлат бочча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилиши янги Ўзбекистонда эртанги кун эгаларига булган муносабат тубдан ўзгараётганини, бу йўлда маблағлар иқтисод қилинмаётганини кўрсатмоқда.

Албатта, бу давлатимиз зиммасига улкан масъулият юклатилиши кўз олдимизга келтирсак, жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб этади. Иккинчи томондан, ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор эртага улкан ютуқ ва натижаларини ҳам беради. Зеро, ҳозир Ўзбекистондаги меҳнат ресурсларининг яримдан кўпроги ёшлардир. Келгусида ҳар учинчи раҳбар ҳам улардан бўлади. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари деярли ҳар бир маърузасида бу масалага тўхталиб, ёшларни меҳнат бозоридa талаб юқори бўлган замонавий касб-хунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини ва меҳнатсеварлик фазилат-



Хулоса ўрнида айтганда, ёшлар бандлигини уларга кредит бериш билан тўла таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун уларни касбага ўқитиш, томоққа бўлган муносабатини ўзгартириш керак. Хитой файласуфларидан бири айтганидек, “Оч қолган инсонга балиқ берсанг, унинг бир кун қорнини тўйдирасан. Агар унга қармоқ бериб, балиқ овлашни ўргатсанг, уни бир умр очликдан қутқарасан”. Шу жиҳатдан, серхосил еримиз, даромад олишга томоққамиз бор экан, ёшларни меҳнат қилишга, ердан самарали фойдаланишга ўргатишимиз зарур.